2011-yil, 15-mart. Seshanba

31-32 (31.308)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

Наврўз Ўзбекистонда кенг нишонланадиган энг қадимий байрамлардан

биридир. Юртингизда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари янада фаоллашганининг гувохи

бўлиб турибмиз. Мазкур

айёмнинг мамлакатингиз-

да катта тантана билан нишонланиши ўзбек

халқининг ўз тарихига бўлган юксак эхтироми-

Хиндистон Республикасининг

Янгиликлар

Махсулот

ошди

сифати янада

текст» Ўзбекистон-Америка

кўшма корхонасида каунаслик

мутахассислар хамкорлигида

Германия, Япония, Австриядан

ган янги тикув ускуналари ўрна-

да маблағ ажратилди.

келтирилган компьютерлаштирил-

тилди. Бунинг учун «Ўзбеклизинг» кредит компанияси хисобидан 795 минг АҚШ доллари микдори-

Болтиқбўйилик мутахассис-

лар билан ҳамкорлик нафақат

махсулот ишлаб чиқариш хаж-

мини, балки унинг сифатини хам янада яхшилаш имконини

Кўшма корхонада 165 нафар ишчи фаолият кўрсатаётган бўлса, йил якунига қадар яна 20 та қўшимча янги иш ўрин-

лари яратиш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсу-

лотларнинг ярмисидан кўп-

роғи экспорт қилинади.

Ёш педагоглар

Юнусобод туманидаги 560-

«Боғи нур» деб номланган боғ

барпо этилди

ариклар тозаланди.

лаб юборилган.

ногирон-таянч харакати бузилган

мактабгача таълим муассасасида

Шунингдек, бу ерда гулзор

ва хиёбонлар барпо этилди,

Жисмоний имконияти чек-

ланган ёшлар тарбияланаёт-

ган мазкур богча-мактабнинг

4 та синфида 156 нафар ўгил-

қиз тахсил олмоқда. Билим

даргохида бахорнинг қутлуғ айёми Наврўзга тайёргарлик ишлари хам аллақачон бош-

Германиянинг Коттбус шах-

рида спорт гимнастикаси

бўйича ўтказилган жахон ку-

боги мусобақасининг биринчи

босқичида дунёнинг энг кучли

спортчилари голиблик учун куч

синашди. Мамлакатимиз ша-

рафини муносиб химоя килган

Олимпия ва Осиё ўйинлари

совриндори Антон Фокин

брусда машқ бажариш бўйича

кумуш медалга сазовор бўлди.

Францияда шохмот бўйича

ўтган халқаро мусобақада ўзбекистонлик гроссмейстер

Рустам Қосимжонов блиц-тур-

нирда ўн бир имкониятдан сак-

киз ярим очко жамғариб, куч-

ли учликдан жой олди. Шу-

нингдек, Рустам Қосимжонов рапид турнирида тўққиз партия

ўйин ўтказиб, етти очко жам-

ғарди ва мусобақани пешқадамлар сафида якунлади.

Хушхабарлар

Андижон шахридаги «Инвест-

Ўзбекистондаги Муваққат

дан далолатдир».

Муралидхар БАБУ,

ишлар вакили

Эътироф

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Концепция асосидаги қонунлар

мамлакатимизни янада демократлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади

Ахолининг сиёсий-хукукий маданияти ва ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётган, жамиятни демократлаштириш жараёни жадал тус олиб, кўппартиявийлик тизими янада мустахкамланаётган бугунги жараён давлат хокимиятининг учта субъекти, яъни давлат рахбари ва конун чикарувчи хамда ижро этувчи хокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиблигини таъминлаш мақсадида Конституциямизга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилишини такозо этмокда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўгрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонунни қабул қилди. Қонун маъкуллаш учун Сенатга юборилди ва айни пайтда, парламент куйи палатаси юкоридаги конун кабул килингани муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига

ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақидаги қонун лойихасини кўриб чикмокда.

Маълумки, мазкур қонунлар Президентимиз илгари сурган Концепция асосида ишлаб чикилмокда. Уларнинг мохияти, мамлакатимизни янада демократлаштиришдаги ахамияти тўгрисида Олий Мажлис Конунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоларининг фикрлари билан қизикдик.



Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати, Бюджет ва иктисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси:



Давлатимиз рахбари илгари сурган Концепция мамлакатимизда том маънодаги янги даврни бошлаб берди. Бугун парламентимиз қабул қилаётган қонунлар бевосита унинг ижросини таъминлашга қаратилган.

Конституциямизнинг 78- моддасига киритилаётган ўзгартишга эътибор қаратмоқчиман. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатларига мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг хисоботларини эшитиш ва мухокама этиш ваколати қўшилмоқда. Бу мамлакатимизда қонун чиқарувчи хокимиятнинг ролини янада мустахкамлашга, жамиятда парламентнинг мавкеини оширишга, конун чикарувчи хокимият олдида ижро хокимиятининг хисобдорлигини таъминлашга замин яратади. Хўш, бу амалда бизга нима бера-

ди? Сиёсий партия учун бунинг ахамияти нимада?

Сиёсий куч илгари сурган гояларнинг амалга ошиши ижро этувчи хокимият фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Киритилаётган янги меъёр оркали биз нафакат конунларнинг ижроси, балки электоратимиз манфаатлари юзасидан хүкүмат қилаётган ишларни назорат этиш, ўзимизни ташвишга солаётган масалалар юзасидан Бош вазирнинг фикри, режаларини билиш имкониятига эга бўламиз. Парламент назорати институтининг мустахкамланиши кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг мухим шартлари-

(Давоми 2-бетда.)

(Давоми. Боши ўтган сонда)

Одатда одам кимни ва нимани ўзига

яқин олса, унинг шунга мойиллиги кучли

оила, мулк, обрў, тинчлик, халқ ва хаказо.

бўлади. Аввал — ҳаёт, кейин – соғлик,

Ўзбекчиликда бу пирамиданинг хамма

қавати мухим. Яқинда миллий мульт-

фильмлардан бири намойиш этилди.

Унда бир она: «Осмондан мехмонлар

келишибди. Илохим, эсон-омон қўнган

дахлдорликнинг умуминсоний кўриниши?

Ўзбек оналари «Дунё тинч бўлсин, Ярат-

ган ҳеч кимни кам қилмасин, кўп қатори

халқимизни бағридарё деб улуғлашади.

биз хам унинг мархаматига муяссар

бўлайлик», дейди. Шунинг учун ҳам

бўлишсин», дейди. Мана шу эмасми,



Амалий натижага эришиш

ташаббус ва қатъийлик кўрсатишга боглиқ

■ Маълумки, Президентимиз илгари сурган Концепцияда белгиланган вазифаларни бажариш сиёсий партиялар зиммасига жиддий масъулият юклайди. Таклиф этилган қатор қонунчилик ташаббусларининг амалга ошиши партиямиз дастурий максадларини хаётга тадбик этиш имкониятини янада кенгайтиради. Демак, белгиланган вазифаларни бажаришда партия ташкилотларимиз ва махаллий Кенгашлардаги депутатлик гурухларимиз фаол иштирок этиши керак.

УзХДПда сиёсий ва фукаролик маърифати

Қонун лойихаларини ишлаб чиқишда

тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва хаётий таклифлар бериш мухим ахамиятга эга

Ватан қисматига

дахлдорлик



Бунёдкорлик ва озодалик байрами

Мамлакатимизда 12-13 март кунлари ўтказилган умумхалқ хайрия ҳашарида 17 миллион нафардан кўпрок юртдошимиз иштирок этди

Халқимиз Ватанимиз мустақиллигининг йигирманчи бахорини эзгу орзулар, шукроналик, шодлик ва бунёдкорлик туйгулари билан кутиб олмокда. Наврўзи оламни нишонлашга қизғин тараддуд кўрмокда.

⇒ 3

Пойтахтимизда фаолият юритган «TURKUAZ»

савдо мажмуаси ва унинг импорт махсулотлар сақланадиган «Чорсу-савдо» омбори хуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан текширилганда, мамлакатимиз қонунларига хилоф ишлар қилингани фош бўлди.

1 Австралия доллари 1 Англия фунт стерлинги

1 БАА дирхами

1 АҚШ доллари

1686,74 2687,56 455,83 1674,18 1 Миср фунти 1 Канада доллари 1 Хитой юани

1719,5

(Давоми 3-бетда.)

1 Туркия лираси

10 Жанубий Корея вони 10 Япония менаси

203,94 58.47 210,98 * Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

XALQARO **AEROPORTI**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ 2011 ЙИЛ 15 МАРТДАН БОШЛАБ ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН БЕЛГИЛАГАН КИЙМАТИ

1057,47 1801,16 2320,08

1 Россия рубли

Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

Концепция асосидаги қонунлар

мамлакатимизни янада демократлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантиришга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Комил ОЧИЛОВ,

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Меҳнат ва ижтимоий масалалар кумитаси

— Қабул қилинаётган қонунлар Бош вазирнинг нафақат парламент олдидаги масъулиятини ошириш, балки мустакиллигини таъминлашга хам хизмат қилади. Мисол учун, Конституциямизнинг 93-моддасига киритилаётган ўзгартишга эътибор каратайлик.

Шу вақтга қадар вилоятлар ва Тошкент шахар хокими лавозимига номзодлар Президент томонидан тегишли депутатлик гурухлари билан маслахатлашувлар ўтказилганидан сўнг махаллий Кенгашга такдим килинар эди. Энди вилоятлар ва Тошкент шахар хокими лавозимига номзодларни Бош вазир томонидан Президентга такдим этиш институти жорий этилаяпти

Эътибор қаратадиган бўлсак, илгари Президент ижро хокимиятининг рахбари хисобланар эди. Бугунга келиб эса Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлигидир ва давлат хокимияти органларининг келишилган холда фаолият юритишини хамда хамкорлигини таъминлайди. Ижро хокимиятига рахбарликни эса Бош вазир амалга оширади.

Вилоятлар ва Тошкент шах- олиши мумкин бўлади.

Жўракўзи КЎЛДОШЕВ, Олий Мажлис Конунчилик пахўжалиги масалалари кўмитаси аъзоси:

— Киритилаётган энг катта янгиликлардан бири, Бош вазир номзодини кўрсатиш билан боғлиқ. Амалдаги меъёрларга кўра, Бош вазир номзоди Президент томонидан Қонунчилик палатасидаги фракциялар билан маслахатлашувлар ўтказилганидан кейин парламентга такдим этилар эди. Юртбошимиз Концепцияда бу жараённи янада демократлаштиришни таклиф этди. Энди қонунларимизда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Конунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги депутатлик ўринларини кўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилиши мустахкам-

лаб қўйилмоқда. **Узбекистон** Республикаси Президенти такдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичида уни Олий Мажлис палаталарининг кўриб чикиши ва тас-

диқлаши учун таклиф этади. Бундан кейин сайлов натижасида энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаш сиёсий партияга Бош вазир номзо-



рида махаллий ижро хоки-

мияти рахбари бевосита хо-

кимлар хисобланади. Шун-

дай экан, хоким номзодини

Бош вазир ўрганиши, хар

жихатдан мақбул деб топил-

ган номзод Президентга

такдим этилиши ижро хоки-

мияти фаолиятининг сама-

радорлигини таъминлайди

деб хисоблайман. Шунинг

билан бирга, бу Бош вазир-

нинг минтакаларни ижтимо-

ий-иқтисодий ривожланти-

риш бўйича масъулиятини

янада ошириб, кадрларни

танлаш ва жой-жойига қў-

йишдаги ролини кучайти-

ради. Парламент Бош ва-

зирнинг хисоботини тинг-

лаб. мухокама килар экан.

сиёсий партияларнинг фрак-

циялари бу жараёнда мин-

такаларни ижтимоий-икти-

содий риважлантириш ма-

салалари юзасидан хам те-

гишли саволларга жавоб

дини кўрсатиш хукукини беради. Бу меъёр мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини янада мустахкамламокда. Энди сиёсий партиялар ўртасида рақобат, гоялар кураши том маънода кучаяди. Янги сайланган Бош вазир хукумат таркибини шакллантириб, уни тасдиқлаш учун Президентга такдим этишини хисобга олсак, сиёсий партиялар хукуматни шакллантиришда ҳам бевосита иштирок этишининг механизми вужудга келаётгани аён бўлади. Бундай ваколатнинг берилиши сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини янада мустахкамлайди. Ижро этувчи хокимият фаолиятига таъсирини оширади. Давлат бошқарувида демократик қадриятлар янада чуқур илдиз отишига хизмат

Амалий натижага эришиш

ташаббус ва қатъийлик кўрсатишга боғлиқ



Сирожиддин АЪЗАМОВ,

ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гурухи рахбари

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил январь ойидаги қушма мажлисида Президентимиз сиёсий партиялар фаолиятини танқидий бахолаб, электоратни ўйлантираётган муаммоларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш, чукур ўйланган мукобил лойихалар такдим этиш ва жойларда ислохотларга тўсик бўлаётган камчиликларни асосли танкид килиш каби вазифаларни илгари сурди.

Хўш, бу борада ЎзХДП Тошкент вилоят ташкилотида қандай ишлар амалга оширилди? Вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гурухи рахбари Сирожиддин АЪЗАМОВ билан сухбатимиз шу ҳақда.

— 2010 йилнинг бошида Тошкент вилоят партия кенгашининг пленумида Харакат дастури қабул қилинган эди. Аммо тахлиллар шуни кўрсатдики, унда белгиланган айрим вазифалар бажарилмай қолди. Бунинг сабаби нима?

— Тўгри, вилоят партия ташкилотининг ўтган йилги Харакат дастурида халқ депутатлари махаллий Кенгашлардаги ЎзХДП гурухлари ишини фаоллаштириш, уларнинг минтакаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга таъсирини кучайтириш вазифаси белгиланган эди.

Шунинг учун Оҳангарон, Қуйичирчиқ ҳамда Янгийўл туманларида хўл мева, сабзавот, гўшт ва сут махсулотларини қайта ишлаш корхоналари тармогини кенгайтириш хисобига ахоли бандлигини ошириш масаласи ўрганилли. Тегишли таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган бир қанча тадбирлар амалга оширилди. Мазкур масала ЎзХДП депутатлик гурухи ташаббуси билан Охангарон туман Кенгаши сесиясида кўриб чиқилди. Бажарилиши зарур бўлган ишлар юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Аммо ижобий натижага эришиш қийин кечмоқда. Чунки бу ишларнинг жонланиши фақат депутатлар саъй-харакатига боглик эмас. Шу боис манфаатдор таш-

килотлар билан хамкорликни ку-

чайтириш жоиз. Бу масалалар ўз холига ташлаб қўйилмайди, албатта. Пар-

тия ташкилотимизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Харакат дастурида бунга алохида эътибор қаратилган. Йўл қўйган хато ва камчиликларимизни бу йил такрорламасликка астойдил харакат қиламиз.

Маълумки, Президентимиз илгари сурган Концепцияда белгиланган вазифаларни бажариш сиёсий партиялар зиммасига жиддий масъулият юклайди. Таклиф этилган қатор қонунчилик ташаббусларининг амалга ошиши партиямиз дастурий максадларини хаётга татбиқ этиш имкониятини янада кенгайтиради. Демак. белгиланган вазифаларни бажаришда партия ташкилотларимиз ва махаллий Кенгашлардаги депутатлик гурухларимиз фаол иштирок этиши керак.

Концепция мамлакатимиз ҳаётида янги даврни бошлаб бераяпти. Демак, сиёсий партиялар хам шунга мос фаолият олиб бориши зарур. Бу, айни пайтда, ри ишини янада жонлантиришни такозо этмокда.

— Касб-хунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш, хусусан, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб этиш бўйича имтиёзлар белгиланган. Шу

ўринда меҳнат бозорига илк бор кираётган ёшларни күллаб-кувватлаш, уларни ижтимоий мухофаза килиш бўйича сиз рахбарлик қилаётган депутатлик гурухида қандай тажриба тўпланди? Бу борада депутатлик гурухининг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили учун режалари кандай?

— 2011 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва ахоли бандлигини таъминлаш дастури лойихаси халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партиямиз депутатлик гурухида мухокама қилинди. Дастурда белгиланган асосий йўналишлар партиямиз электорати манфаатларига мувофик.

Дастурда вилоят бўйича 86 мингта янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Мазкур иш ўринларининг яратилиши ижтимоий химояни мустахкамлашда мухим ахамият касб этади. Шу боис дастурнинг жойларда тўлиқ бажарилишини назорат-тахлил килиб бориш бўйича туман ва шахар Кенгашларидаги депутатлик гурухларимиз билан хамкорликни кучайтиришга интилаяпмиз. Жойларда дастур асосида режалаштирилган ишларнинг боришини депутатлар ўрганишаяпти.

Президентимиз ўтган йил якунларига бағишланган Вазирлар Махкамасининг йигилишида ахоли бандлигини таъминлаш, хусусан, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласига алохида эътибор қаратди. Битирувчиларни ўз вактида мутахассислигига мувофиқ иш билан таъминлаш масаласида махаллий хокимият идоралари зиммасига аник вазифалар юклатилди. Белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бүйича жамоатчилик назоратини кучайтириш гоятда мухим. Бу жараёнда биз депутатлардан катта масъулият талаб этилади. Шу сабабли партиямиз депутатлик гурухлари депутатлик, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган аниқ вазифаларни белгилаб олди.

Бундан ташқари, ёшларнинг сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий билимларини ошириш, айни пайтда, ўз ишини ташкил килмокчи бўлган электорат вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалий лойихалар ишлаб чикилди. Тижорат банклари би лан ҳамкорликда ташкил этилган микромолиявий хизматлар кўрсатишни кўпайтириш оркали янги иш ўринлари ташкил этиш лойихаси шулардан биридир.

Кибрай туманидан бошланган саъй-харакатни вилоятимизнинг бошқа худудларида ҳам давом эттириш харакатидамиз.

Конун билан етарли хукук ва ваколат берилганига қарамай, махаллий депутатлар жойлардаги муаммоларни кўтариш ва ечим излашда сусткашлик, тўгрироги, ўзибўларчиликка йўл қўймокда. Бу хакда сизнинг фикрингиз қандай?

— Мен бу фикрга тўлиқ қўшилолмайман. Тўгри, хамма бирдек фаол бўлолмайди. Махаллий Кенгашларга партиямиздан сайланган күпчилик депутатлар жойлардаги муаммоларни ўрганиб, хал этишга ўз хиссасини қўшиб келмокда.

Лекин, афсуски, айрим депутатлар қилаётган ишини кўрсата олмаяпти. Чунки, улар бирон-бир муаммони ҳал қилишга эришса хам бу хакда ахборот бериш ёки оммавий ахборот воситаларида ёритишга етарли ахамият бермаяпти. Шу боис, депутатлар фаолияти ҳақидаги ахборот алмашув тизимини ривожлантириш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Махаллий Кенгашлардаги барча депутатлар ишидан тўлик хабардор бўлиш учун хар бир туман ва шахар партия кенгашини компьютер, факс каби зарур техник воситалар билан тўлиқ таъминлаш ва интернет тизимига улаш

устида иш олиб бораяпмиз. **Ўзбекистон ХДП Ангрен ва** Охангарон шахар, Юқоричирчиқ туман партия кенгашлари маҳаллий оммавий ахборот воситалари билан хамкорликни яхши йўлга қўйган. Натижада депутатлар фаолияти кенг ёритилмокда. Жамоатчилик уларнинг ишидан доимий хабардор бўлмокда. Бу тажрибани бошқа шахар ва туман партия кенгашларида хам ривожлантириш учун иш олиб бораяпмиз.

Шу ўринда вилоят Кенгаши депутати Мухаммадали Каримов фаолиятидан бир мисол келтирсам. Депутат ташаббуси билан «Ер кодекси» ижроси, хусусан, ер ажратишдаги тартиб-қоидаларга риоя этилиши, бу борада тегишли хужжатларни тайёрлаш ва мурожаатларга ўз вактида жавоб бериш масаласи Саноат, транспорт, курилиш, алока ва ахолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссиясида кўриб чиқилди. Вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат унитар корхонасининг фаолияти Охангарон ва Янгийўл туманлари мисолида атрофлича ўрганилди.

Йўл кўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, ишни тубдан яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш бўйича «Вилергеодезкадастр»га тавсиялар берилди. Шу масалада вилоят

хокими «Юридик ва жисмоний шахсларга ер майдонлари ажратиш тартиби тўгрисида» карор қабул қилди. Қарор ижроси устидан депутатлик назорати ўрнатилди.

Бу мисолни келтиришдан мақсад шуки, депутатликни бурч деб билган киши сидқидилдан ишласа, натижага албатта эришади.

Жорий йилда вилоят партия ташкилоти хамда депутатлик гурухлари электоратни ўйлантираётган қандай муаммоларни ўрганиш ва хал қилишни режалаштирган?

Ангрен, Бекобод, Чирчик ва Олмалик шахарларида мукобил хамда тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланишни кенгайтириш, махаллаларда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари, хусусан, касаначилар мехнат унумдорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш сохаларини ривожлантириш хисобига ахоли бандлигини ошириш, бозорларни махаллий шароитда ишлаб чикарилган махсулотлар билан тулдириш буйича белгиланган вазифалар бажарилишини назорат-тахлил қилиш режалаштирилган.

Охангарон, Зангиота ва Янгийўл туманларида хўл мева, сабзавот, гўшт ва сут махсулотларини кайта ишлаш корхоналари тармогини кенгайтириш хисобига қишлоқ ахолиси бандлик даражасини ошириш, Бўка, Оққўрғон, Бекобод ва Куйичирчиқ туманларига инвестицияларни жалб қилиш миқдорини кенгайтириш. Паркент. Пскент. Ўртачирчиқ туманларида хизмат кўрсатиш сохасини ривожлантириш, Юқоричирчиқ ва Янгийўл туманларидаги корхона ва ташкилотлар ишини самарали ташкил этиш бўйича ишлар бошлаб

Маълумки, бу йил Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили. Жорий йилда ахоли бандлигини таъминлаш, ўз ишини йўлга қўймоқчи бўлган йигит-қизларга хар жихатдан ёрдам кўрсатиш, шу орқали даромад манбаларини барқарорлаштириш, энг мухими, ахолининг нафакат сиёсий-хукукий, балки ижтимоийиқтисодий фаоллигини ошириш каби масалаларга жиддий эътибор берилмокда. Бу — партиямиз дастурий максадларини из-DES CHIMDIAIN MAKOR ни янада кенгайтирмокда. Бундан унумли фойдаланиш партиямиз фаоллари ва биз депутатларнинг қатъийлик ҳамда ташаббускорлик кўрсатишимизга боглик.

«Ўзбекистон овози» мухбири Тўлқин ТЎРАХОНОВ сухбатлашди.

ЎзХДПда сиёсий ва фукаролик маърифати

Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда

тўпланган тажрибаларни ўрганиш ва ҳаётий таклифлар бериш муҳим аҳамиятга эга

«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш институти — маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат хокимияти ва бошкарув органлари билан ўзаро якин муносабатларини таъминлаш алохида долзарб ахамият касб этмокда».

Президентимиз илгари сурган Концепцияда баён этилган бу фикрлар хаётимиздаги долзарб масалани ўзида акс эттирган. Чунки хар бир киши қаерда ишламасин, қандай юмуш билан банд бўлмасин, махаллада истикомат килади. Фарзандлари шу ерда ўсиб-улғаяди. Хар биримизга иззат-хурмат ва мехр-окибат хақида дастлабки сабоқлар махаллада берилади.

Китоб туман партия кенгаши раиси ўринбосари Зилола Норова туман тиббиёт бирлашмасида ўтказилган сиёсий ўкув машғулотида шулар ҳақда фикр юритди.

— Айни пайтда туманимиздаги 69 та бошлангич партия ташкилоти 3288 нафар аъзони бирлаштирган, — деди у. — Актам Холиқов рахбарлик қилаётган тиббиёт бирлашмасидаги бошланғич партия ташкилоти яхши таж-

рибага эга. Узок тог кишлокларини бирлаштирган Паландара кишлок фуқаролар йиғини раиси, партиямиз фаоли Хосият Алиқулова ҳам аҳоли ўртасида тушунтириш ва тишвикот ишларига катта эътибор бераяпти. Бу фуқаролар йиғинида тўпланган ибратли тажрибалардан бири шуки, ҳар бир оилада тадбиркорликни ривожлантириш, томорқа хўжаликларидан унумли фойдаланишга катта эътибор қаратилмокда.

Хусусий бизнесни йўлга қўйишда бундай тажрибаларни кенг ёйишимиз зарур. Сиёсий ва иктисодий ўкув машғулотларига мутахассисларни жалб этиш, махаллий маълумотлар, ибратли ишларнинг таҳлилидан ўринли фойдаланиш катта қизиқиш уйғотади.

- Концепция жамият ва давлат тараққиётининг янги даврини бошлаб берди, — деди Марказий поликлиника бош шифокори, партиямиз аъзоси Мухаммади Аминов. — Концепцияда қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Уларнинг лойихаларини ишлаб чикиш ва такомиллаштиришда кайсидир маънода биз хам ўз таклифларимиз билан иштирок этишимиз зарур. Бунда, аввало, жойларда тўпланган тажрибаларни ўрганиш, шу асосда ҳаётий таклифлар тайёрлаш муҳим

Шунингдек, семинарда бошқа фаоллар ҳам сўзга чиқиб, масаланинг турли жихатлари хакида фикр билдиришди.

Юнус УЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.



Хорижда

Мухолифат чекинмоқда



Хукумат қўшинлари мамлакат шарқидаги мухолифат тасарруфидаги шахарларни хам эгаллаймиз лемокла. Ливия муваккат Миллий Кенгаши раиси Мустафо Абдул Жалил мухолифатга қурол-яроғ етишмаётганини

Муаммар Каддафий қушинлари Ливия шарқидаги Марса ал-Брег шахрини ишгол этган. У мухолифат назоратида эди.

таъкидлади. Унинг гапларига қараганда, БМТ Хавфсизлик Кенгаши зудлик билан чора кўрмаса, минг-минглаб бегунох одамлар, яъни тинч ахоли вакиллари ҳам қурбон бўлиши ҳеч гап

Аввалрок, Араб давлатлари лигаси БМТни Ливия хаво йўлларини холи худудга айлантиришга даъват қилган. Агар Хавфсизлик Кенгаши шундай қарор қабул қилса, Муаммар Каддафийнинг асосий таянчи бўлган харбий хаво кучлари мамлакат шаркидаги шахарларга хужум қила олмайди.

Зилзила такрорланади



Японияда содир бўлган ер силкиниши туфайли қурбон бўлганлар сони соат сайин ортиб бормокда.

Баъзи маълумотларга кўра, хозиргача кўчкилар остида қолган жасадлар ўн мингга якинлашиб колган.

Аммо ер силкиниши хамон тўхтагани йўк. Жамоат жойларида кўчма касалхоналар ва қутқарув майдончалари ташкил қилинган. Мутахассислар яқин орада янада кучли зилзила рўй беришини таъкидламокда. Махаллий ахоли бир хафтага етадиган тезпишар озик-овкат махсулотлари ва зарурий ашёларни йига бошлади. «Хатто хукумат дўконларида хам тезпишар макарон, ичимлик суви ва салфетка қолмади», дейди токиолик ўкитувчи Исима Акугава.

Японияга халқаро қутқарувчи гурухлар ёрдамга келмокда. Халокат содир бўлган атом электр станцияларида иш тўхтатилган.

Ер ўқи ўзгарди(ми)?



НАСА мутахассислари Японияда содир бўлган зилзила туфайли ер ўқи 17 сантиметрга ўзгарганини маълум қилди. Мана шунинг оқибатида кун узунлиги 1,8 микросекундга қисқарган.

— Тинч океани марказий қисми ва Япон оролларида содир бўлган силкиниш ернинг ўз ўкидан оғишига сабаб бўлди, — дейди НАСАнинг реактив харакатлар лабораторияси етакчиси Ричард Гросс. Яна содир бўлиши кутилаётган зилзила бу жараённи кучайтириши мумкин.

Умуман, сўнгги ўн йил давомида ер шарининг турли бурчакларида кучли силкинишлар содир бўлди. Бу эса ер ўкининг сезиларли даражада ўзгаришига

4 миллионлик асирлар



Сомали карокчилари Бангладешнинг йирик компанияларидан бирига тегишли «Жахан мони» номли кемани 4 млн. доллар эвазига қўйиб юборди.

Кема бортида никел бўлиб, Грецияга олиб кетилаётган эди. Уни қароқчилар Хинд океанида кўлга олишган. 26 нафар бангладешлик экипаж аъзолари сог-саломат юртлари-

Маълумотларга караганда, хозир жиноятчилар қирқдан ортиқ катта-кичик кема ва 800 нафардан зиёд денгизчини ушлаб ту-

Ватан қисматига дахлдорлик

(Давоми. Боши 1-бетда.)

2010 йилнинг баҳори. Хизмат сафари билан Андижонга йўл олдим. Тонгда уловга чикдик. Таксичи Ёкубжон ака олтмиш ёшларда. Олдинда қирқ ёшлар чамаси жувон, исми — Ҳабиба, турмуш ўртоги — Маҳмуджон ака. Улар Фаргонага боришаяпти. Ўгиллари ҳарбий хизматда экан. «Бир кўриб келайлик», дейди. Яна бири йўлдошимиз — Баҳодиржон. У — талаба.

Улов шитоб билан бир маромда, равон елаётир. Узимизнинг «Нексия». Хайдовчи Ёкубжон ака каллаи саҳарда каллапоча тановул килган экан. Термосидан кук кружкага чой куйиб, машина торпедосига куйди. Хабиба опа қайноқ чойга безовта булиб каради. Буни сезган Ёкубжон ака: — Хавотир олманг, тукилмайди. — деди. — Бу чой чайқалиб тукиладиган йул эмас. У даврлар қолиб кетди...

Ёқубжон ака тўгри айтган экан. Уч кружка чой қуйиб ичди. Аммо бир томчи тўкилган эмас. Гап айланиб келиб, йўлга тақалди.

Ёкубжон ака: — Йўлларимиз кўп яхши бўлди-да. Илгари машина хайдаб чарчар эдик. Хозир яйрайсиз. Қамчиқ довонида қилинган ишларнинг мисли йўк. Давлатимиз зўр! Шу халққа керак эди, қаранг, тоғларни тешиб, ойнадак йўл солиб берди...

Махмуджон ака: — Сурхондарёдаги темир йўл-чи! Хатто одамнинг тушига кирмайдиган ишлар килинди.

Ёкубжон ака: — Ха, қайси бирини айтасиз...

Хабиба опа: — Хукуматимиз куриб бераётган янги уйларни айтмайсизми? Якинда кушним Тоживой тракторчи шундай уй олиб, кучиб утди. Жуда чиройли. Хинд киноларидагидек. Бошда «Бу — менинг уйим» дейишга хам ийманиб юрди, кейин уй туйи килди. «Биз хеч кимдан кам эмасмиз, шундай кунларга хам етиб келдик!» — дейди боякиш...

Ватанимизда килинаётган ишлар одамга яхши кайфият багишлайди.

Кизиқ. Намунавий лойиха асосида барпо этилган замонавий уйларга кўчиб кирган — бошқалар. Сурхондарёдаги темир йўл бундан минг километр олисда. Йўлдошларнинг бири — самарқандлик, бири — фаргоналик, бири — жиззахлик, аммо ўша ишлар учун кувонишади. Уларнинг кўзларида «Она юртимизга кўз тегмасин!» — деган ифода акс этади. Бу — дахлдорлик туйгусидир. Мана шу уларга кувонч бахш этади. Бизларни бирлаштирган шу!

Дахлдорлик тарбияси

Технология, машина, ер, компьютер ва билим бор бўлса-ю, ишлатилмаса, ундан фойда йўк.

Конун олдида хамма тенг

Ижтимоий ҳамкорлик — азалий миллий удумимиз. Лекин у қуллансагина, фойда келтиради. Жамоавийлик яхши экани айтилса-ю, амал қилинмаса, нима фойда? Масалан, ёшлар тарбияси. «Тарбия — ҳамманингиши», деймиз. Бу ҳар бир миллатдош ўз фарзанди учун, ундан сўнг, кўни-кўшни, маҳалла ва кўча-кўйдаги таниш-нотаниш болалар хулқи учун масъул деган маъно англатади. Жамоавий

Бу бурчни адо этиш учун факат уни билиш кифоя қилмайди. Амал қилинмаса, фойдаси йўқ. Биз бегона боланинг яхши ишини кўриб, уни рагбатлантирмасак, ёмон қилмишини кўриб, тергамасак, бошқаларнинг хам бизнинг фарзандлар билан иши бўлмайди. «Менга нима?» деб ўтиб кетаверади. Вахоланки, хар биримиз кўрган-билган боланинг хулки учун жавобгармиз. Бир болага етти махалла — ота-она деган хикматнинг маъноси шу.

Бола ёмон киликни каерда

бурч шу!

қилади? Акаси, ойиси, отаси, яъни уни тергайдиган одам йўқ жойда. Сиз ўша пайтда ота-она ёки ака, хеч бўлмаса, тоға бўлинг. Лабига қистирган сигаретини олиб ташланг. Ана шунда бола хушёр тортади, якин қариндошларидан ташқари, ҳар кадамда акаси ёки амакиси каби жонкуяр борлигини сезиб, хис қилиб яшайди. Ана шунда «Тарбия — хамманинг иши» деган шиор амалиётга айланади. Жиноят камаяди, керак бўлса, йўқолиб кетади. Чунки жиноят, хукукбузарлик ва ахлоксизлик кўпайиши учун қулайлик керак. Одамларнинг бир-бирига, катталарнинг болалар ва ўсмирларга иши булмаслиги. «Менга нима?» деган лоқайд қараш бунга йўл очади. «Тарбия ҳар биримизнинг ишимиз!» деган туйгу, амалий дахлдорлик «Менга нима?» деган тушунчани махв этади.

Дахлдорликни фаол фукаролик позицияси, деса ўринли бўлар. Афсуски, айрим холларда буни ошкор этишга истихола киламиз. Вахоланки, фукаролик жамияти, қолаверса, мустақилликнинг ўзи доим химоя талаб қилади.

Яна бир бор тарбия масаласига назар ташлайлик. Масалан, икки нафар ўсмир сигарет чекаяпти. Илгари шундай холатни кўрсак: «И-е, нега чекади бу болалар?!» — деб ўтиб кетар эдик. Тўхтаб, уларни тергашга иродамиз етмасди. Қолаверса, хозирги ўсмирлар хам анойи эмас. Бетгачопарлик қилиб: «Нима ишингиз бор?» — дейди. Шунда вазминлик билан талаб қўйилса, бошқалар хам ёнингизни олади.

Бу ўсмирга ёқмайди, албатта. Лекин охири тан беради. Сигаретани ташлайди. Кўнгилчан бўлмай, қаттиқ талаб қўйиш дахлдорликнинг ёмонлик устидан ғалабасини таъминлайди. Эл-юрт назари дегани шу, аспила

Кўраяпсизми, хеч бир кашфиёт керак эмас. Ота-боболар удумига амал килсак, бас. Чунки шу Ватан барчамизники. Унда вояга етадиган, яшайдиган авлодлар хам.

Одам нега худбин бўлиб қолади? Ота-онанинг педагогик билими етарли даражада бўлмагани учун. Қандай қилиб? Отаона боласини еру кўкка ишонмай эркалайди, «дунёнинг маркази»га айлантиради. Бола шунга ўрганади. Бундай ота-оналар: «Менинг болам хаммадан бахтли бўлиши керак» деган принципга амал қилади ва қаттиқ адашади.

Боласи истаган-истамаган, сўрамаган нарсаларни уйиб ташлашади. Хамма ундай одам эканини, уларнинг хурмати, манфаати борлигини, халол мехнат билан топилган нон ширин бўлишини, ўзгаларга ғамхўрлик хам қарз, хам фарз эканини ўргаты

майди. Бола богчага боради. Ўзидек болалар билан биринчи учрашув. Бошқалардан ота-онасиникидек мехрибонлик кутади. Кўрмагач, талаб қилади. Биринчи учрашув — жамоа билан биринчи тўқнашувга айланади. Йиглайди.

Мактабда муомала, муроса, бурчни билмайди. Жон куйдирмайди. Ота-она уни куллаб-кувватлайди. «Катта булса, ҳаммаси жойига тушиб кетади», — деб ўзларини овутади. У катта булади. Унга кушилиб талаблари, ишёқмаслик, масъулиятсизлик, бошқаларга иддаолари, иллатлари «улғаяди».

Ота-онанинг белидан кучи, чўнтагидан курби кетади. Энди улар боласи назарида бефойда, кераксиз одамларга айланиб қолади.

Худбин йигит энди жамоавийлик, кўпчилик бўлиб яшаш тартиб-қоидаларига тўқнашади. Биринчи тўқнашувдаёқ енгилади. «Мен яхши — хамма ёмон», деган тушунча билан яшай бошлайди. Шундай қилиб, хаётдан асоссиз норози эгоцентрист пайдо булади. Бир кун келиб у гиёхвандларга, жиноятчиларга Шунинг учун ҳам «еру кўкдаги буюк ўзгаришларни сезиш,
ҳис қилиш ва улардан сабок
чиқариш, ўрнак олиш учун
одамзот ўзининг ён-атрофига уйгок нигох, қалб кўзи билан қараши лозим, — дея таъкидлайди давлатимиз раҳбари. — Шундагина ҳаётнинг
маъноси тинимсиз кураш,
кийинчиликларни енгиб ўтиш,
бир сўз билан айтганда, доимий жасорат, азму шижоат
билан яшашдан иборат экани аён бўлади».

Махалла дахлдорлик маскани

Яқинда бир адабиётшунос олим жуда таъсирли вокеани айтиб берди. Европалик бир тадбиркор Ўзбекистонда 3-4 йил муким яшаб, тижорат килибди. Сафари қариб, кетар вақти етганда камгап, ғамгин бўлиб қолибди. Боисини сўрашса, индамай бош чайқар эмиш. Охири, «кетар жафоси»га бағишлаб, ош қилишибди. Зарбоф тўн кийдиришибди. Ана шунда жаноб Байдл ўзбек хамкорларига ёрилибди: «Тўрт йил Ўзбекистонда яшадим. Қишлоқларда, махаллаларда бўлдим. Ўзбекларнинг турмуши ҳақиқий инсоний турмуш экан.

Жисмим Европага кетаётир. Кўнглим Ўзбекистонда қолаётир...»

Бу — биз учун одатий, аммо турмуш тарзимизга хавас ва эхтиром эмасми?

Халқимиз дахлдорлик тарбиясининг олижаноб намуналарини яратган. Бу — махалла. Айрим «Инсон хукуклари химоячилари» нега махалладан хайикишади? Чунки махалла — тирик ижтимоий-инсоний организм. У хар куни янгиланиб борадиган ижтимоий фикр билан ўзини химоя килади. Ёмонлик чекинади, яхшилик канот ёзади. Бунинг замирида дахлдорлик туйгуси, шу асосда шаклланган муносабат ётади.

Умид кўзи

Одам ўз-ўзидан ёки бир икки панд-насихат билан дахлдор бўлиб қолмайди. Дахлдорлик тарбияланади. У узлуксиз таълим тизимининг асосий тарбиявий йўналишларидан бирига айланиши лозим. Давлатимиз рахбари таъкидлаганидек, «Таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий максад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди».

Шунинг учун хам Президентимиз илгари сурган Концепцияда тараққиётнинг кейинги босқичида барча соҳалар каби ўта мухим ва стратегик жабҳа —

ёшлар тарбияси борасида амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар, бош мақсад асослари белгилаб берилди. Бу — демократлаштириш, янгилаш, модернизация ва ислох этиш тушунчаларида ўз ифодасини топди. Шу сабабли узлуксиз таълим тизимида тарбия жараёнини демократлаштириш; янгилаш; модернизация килиш: ислох этиш таълим-тарбия амалиётининг инновацион тамойилларига айланмоқда. Бу эса анъанавий тарбия мазмуни, шакл, метод ва воситаларни замонавийлаштириш, ёшларни ҳаётий далиллар, вокеа-ходисалар, анъаналар воситасида, XXI асрнинг жўшкин талабларидан келиб чиқиб тарбиялаш демакдир.

Дахлдорлик тарбияси ёш авлодни Ватан мустакиллигини химоя килиш,
янада мустахкамлашга
кодир, юксак маънавийахлокий сифатларга эга,
фидокор фукаро, юкори
малакали мутахассис ва
хеч кимдан кам бўлмаган
ва буни чукур англаган,
катъий ва мустахкам ўз
фикрига эга баркамол
шахс этиб тарбиялашга

Тадбирларда огохликка даъват килишса, баъзиларимиз «Бу мен хакимда эмас. Менинг болам яхши», деб бегам ва локайд юраверамиз. Кўшнимнинг, махалламнинг болалари-чи, демаймиз. Ана шу пайтдаги локайдлигимиздан ганимлар фойдаланиши мумкин. Буни хам унутмаслик керак!

Дахлдорлик тарбиясига тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчан усулларини жорий қилиш лозим. Жумладан, Президентимизнинг Олий Мажлис сессиясида хаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларга қарата айтган қуйидаги даъватини хар бир таълим муассасасининг энг кўринарли жойига битиб қўйиш лозим: «Эй болам, сенинг Ватанинг битта — барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этишинг, химоя килишинг шарт. Нафакат сенинг ўз хаётинг, балки сенга умид кўзини тикиб турган отаонанг, опа-сингилларинг, ёш гўдаклар, нуроний қарияларимизнинг хаёти хам ана шу бурчингни нечогли адо этишингга боглик».

Мухаммад ҚУРОНОВ, педагогика фанлари доктори.

пслох этиш ётининг инрига айланвий тарбия да ва восилаштириш, далиллар, ваналар вовиг жушкин чикиб тартарбияси ди мустаря килиш, камлашга наънавийрасга эта. Ва ОЗОДАЛИК

байрами

«Наврўз — 2011»

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 10 мартда қабул қилинган фармойишига мувофиқ, юртимизда март-апрель ойлари «Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари», деб эълон қилинди.

йлик доирасида 12-13 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилди. Мақсад — Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш, Наврўз умумхалк байрамини кўтаринки рухда нишонлаш, халқимиз орасидаги мехр-окибат ва ўзаро хамжихатликни янада мустахкамлаш, махаллалар ва ахоли тураржойларини яна хам обод ва кўркам килиш, юртимизнинг санитария-эпидемиология мухитини янада яхшилаш. «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазифаларни

амалга оширишдан иборат. Хашар кунлари халкимизнинг тинчлик-тотувлик, ободлик ва фаровонликни асраш ва мустахкамлашга бўлган интилиши яна бир карра намоён бўлди. 17 миллиондан зиёд юртдошларимиз хамжихатлик билан хашарда фаол иштирок этгани бунинг далилидир. Ўзбекистон «Махалла» жамғармаси ва унинг жойлардаги тузилмалари хузурида ташкил этилган ишчи гурухлар хашарчилар фаолиятини мувофиклаштириб борди.

Республика «Махалла» жамғармасидан олинган маълумотга кўра, ҳамюртларимизнинг саъй-ҳаракати билан 35 минг гектардан кўпрок майдон ободонлаштирилди. Қишлоқ ва маҳаллалар, аҳоли пунктлари, кўп қаватли бинолар, корхоналар, уйлар атрофи, гузарлар, хиёбонлар, зиёратгохларнинг файзига файз қўшилди. 26 минг километр узунликдаги ариқ ва лотоклар тозаланди. Ўттиз уч миллион тупдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт, гул кўчатлари экилди.

Ободлик кўнгилдан бошланади. Умумхалқ хайрия хашари кунлари бу қадриятлар яна бир карра ўзининг амалий ифодасини топди. Махалла фаоллари кам таъминланган оилалар, моддий ва маънавий кўмакка мухтож инсонлар холидан хабар олиб, уларнинг ижтимоийиқтисодий муаммоларини ечиш борасида амалий ёрдамлар кўрсатилди.

курсатилди.
Андижон вилоятида хашар доирасида ахоли хонадонларига сифатли уруг ва кучатлар етказиб берилди. Томорқалардан самарали хосил олиш, экинларни парваришлаш, тупрок унумдорлигини ошириш ва бошқа агротехника қоидалари юзасидан малакали мутахассислар ахолига маслахатлар бердилар.

Самарқандликлар Наврўз байрамида фойдаланишга топширилиши режалаштирилаётган бинолардаги бунёдкорлик ишларида қурувчиларга яқиндан кўмак бердилар. Шу кунлари Тойлоқ туманидаги «Самкристалл» масъулияти чекланган жамиятида, Булунгур туманидаги «Гулистон» махалласида барпо этилаётган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуасида ва бошқа иншоотларда иш одатдагидан анча қизи-

Бухорода бир қатор таълим масканларининг қўшимча бино- ларини қуришга, Қашқадарёда қишлоқ инфратузилмасини ривожлантиришга ҳашарчилар

хисса кўшди. Қорақалпогистон Республикасининг барча худудларида байрамда фойдаланишта топширилиши режалаштирилаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида курилиш ишлари янада

Чирчиқ шахридаги «Адолат» махалла фукаролар йигинида янги болалар оромгохининг пойдевори қўйилди. Келгусида бу ерда болаларнинг кўнгилли дам олиши, соглом униб ўсиши ва спорт билан мунтазам шугулланиши учун барча зарур шароит яратилади.

Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари «Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига 20 туп кўчат — менинг тухфам» лойиҳаси доирасидаги ишлар кўлами янада кенгайди. Халқимиз саъй-ҳаракати билан бугунги кунгача 110 гектардан зиёд майдонга 53 минг тупга яқин мевали ва манзарали дарахт кўчати экилди. Яқин кунларда бундай ҳудудлар ўн минг гектардан кўпроқ майдонга кенгайиши режалаштирилаё-

Хашарга пойтахтимиз жамоатчилиги хам ўзининг муносиб улушини кўшди. Халк депутатлари Тошкент шахар кенгаши депутатлари пойтахтимиз чиройига янада чирой ва файз қўшиш мақсадида илгари сурган «Озода шахрим» лойихаси пойтахт ахли томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда. Умумхалқ хайрия қашари кунлари ахоли кўчалар, хиёбонлар, ховлилар ва кўп қаватли уйлар атрофида тозалаш ишларини олиб борди. Бўш ерларга янги нихоллар экилди. Чикиндиларни чикариш ва ташиб кетиш ишларида барча, айниқса, ёшлар фаол иштирок этди.

– Хашар тадбирлари ёшларимизда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш ва азалий анъаналаримизга эхтиром уйғотишда мухим омил бўлаётир, - дейди «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Олмазор туман бўлими бош мутахассиси Мадина Халилова. — Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган умумхалқ хашарлари натижасида туманимизда бир қатор янги «Камолот бог»лари барпо этилди. Ўзбекистон Миллий университети, Республика уруш ва мехнат фахрийлари пансионати худудларида, Корасарой кўчасида, бир қатор мактаб, коллеж ва лицейларда ташкил этилган ана шундай богларни парваришлашда «Камолот»нинг жойлардаги бошлангич ташкилотлари фаоллари мутахассисларга кўмаклашмокда. Умумхалқ хайрия ҳашари доирасида бу богларда янги нихоллар экилди, мавжудларига ишлов берилди, чиқиндилар ташиб кетилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари кунлари, одатдагидек, хайр-саховат ишлари кўлами ҳам кенгайди. Ногиронлар, ёлгиз ҳариялар, кам таъминланган, кўп болали оилаларга уй-жой шароитларини таъмирлашда кўмаклашилди, моддий ёрдам кўрсатилди.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири

Қаллоблик, қинғир иш ҳеч қачон кечирилмаган...

Маълумки, савдо-сотикда, тадбиркорликда ўзаро ҳамкорлик қилинади. Бундан икки томон ҳам бирдек манфаатдор бўлади. Лекин ҳамкорлик тўғрилик ва ҳалолликни талаб қилади. Агар ҳамкорликда, айниқса, савдо-сотикда ёлғон аралашса, ғирромлик бўлса, ғараз мақсадлар кўзланса аввало, кут-барака кўтарилади, бузуқ ниятлар фош бўлиб, ўзаро ишонч йўқолади.

Халқимиз табиатан кўнгли очиқ, ишонувчан. Бу эса баъзан панд хам берар экан. Ушбу хақиқатга «Тurkuaz» савдо мажмуаси сохта тадбиркорлари «фаолияти» мисолида яна бир бор икрор бўлдик. Яқинда оммавий ахборот воситаларида «Тurkuaz» савдо мажмуаси рахбарларининг қинғир ишлари хақидаги мақолаларни ўқиган киши ё алхазар, дея ёқа ушлаб қолиши турган гап.

Аввало шуни айтиш керакки, биз икки томонлама тенг хамкорликдан манфаатдормиз. Бу хамкорлик бизнинг хам, шерикларнинг хам имкониятларини рўёбга чиқаришга, турмушимизни яхшилашга хизмат қилсин. Аммо хамкор мана шу ишончни суиистеъмол қилиб, ундан ғаразли мақсад йўлида фойдаланса, қаллоблик билан давлатни хам, харидорларни хам чалғитса, уни кечириш мумкинми?

Пойтахтимизда фаолият юритган «Turkuaz» савдо мажмуаси ва унинг импорт махсулотлар сакланадиган «Чорсу-савдо» омбори хукук-тартибот идоралари ходимлари томонидан текширилганда, мамлакатимиз конунларига хилоф ишлар килингани фош бўлди.

Жиноятларнинг асосий «ташаббускор» и мажмуа рахбарияти, яъни «Turkuaz» — «Чорсу савдо маркази» МЧЖ расмий бош директори, Туркия фукароси Мустафо Унер хамда «Gunes Tekstil Konfession can ve tic ltd stl Turkiya» нинг бош вакили Гюнеш Вохит бўлган. Улар узок вакт давомида турли мах-

сулот ва заргарлик буюмларини ноқонуний равишда чегарадан олиб ўтиш билан шуғулланган. Шунингдек, хужжатларда маҳсулотлар микдори ва нархи яширилган. Бундан кўзланган мақсад — қонунларимизда белгиланган божхона божини тўлашдан қочиш бўлган. Шундай қабиҳ йўллар билан олиб кирилган заргарлик буюмлари савдо мажмуаси тармокларида сотиб келинган. Сотувчилар ноқонуний тарзда олиб келинган молларни сотгани етмагандек, ундан келган даромадни касса аппарати орқали кирим ҳам қил-

Мажмуа таркибидаги савдо дўконлари текширилганда соликқа оид аксарият қонун талаблари кўпол тарзда бузилгани аникланди. Мутахассислар маълум килишича, дўконлардаги зар-

гарлик буюмларининг сифати ҳам шубҳалидир.

Ха, қинғир ишга аввало қўл урмаслик керак. Мабодо бу йўлга кирдингми у бошдан оёқ зулматдан иборатдир. Халкимиз билиб айтган қаро йўл — аро йўл.

Туркиялик «тадбиркор»лар молларни яшириш ва соликдан бўйин товлашда хам катор ножўя ишларга кўл уришган. Мажмуанинг 3-қаватидаги 2 минг метр кв.ни ишгол этган савдо расталаридан ўрин олган махсулотлар конунийлигини тасдикловчи бирон-бир хужжат йўк. Яна, МЧЖ омборида оз эмас, кўп эмас накд 6 миллиард сўмлик ноконуний тўкимачилик махсулотлари сакланаётганига нима дейсиз?

— Хукуматимиз турли халқаро иқтисодий анжуманларда доимо чет эллик ишбилармонларни ҳамкорликка ундаб келади, — дейди Яккасарой туманидаги «Гранд-мебель» МЧЖ раҳбари Аҳрор Исломов. — Бугунги кунда тараққиётни буларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чет эллик ишбилармонлар билан ўзаро тажриба алмашиш ишимизни такомиллаштиришга хизмат қилади. Масалан, биз яқинда хорижий тажриба асосида МЧЖни модернизация қилдик. Ишлаб чиқарилаётган мебель турлари кўпайиши билан бирга, сифати ошди.

Лекин шу ўринда бир гап. Хар қандай хамкорлик холис ният, ўзаро ишонч асосига қурилиши керак. Ёлғон узоқ яшамайди. Тезда миси чиқади.

Туркиялик ҳамкорларимизни бу хатти-ҳаракати бошқаларга сабоқ бўлсин.

«Turkuaz» савдо мажмуаси рахбарлари нохалол ишлади, мамлакатимиз конунларига беписанд қараши билан аввало, ўз обрўсини тўкди, колаверса, бошқа хамкасблари шаънига хам дог туширди.

— Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун барча хукуқий асослар яратилган, — дейди Тошкент автомобиль ва йўллар касб-хунар коллежи директори, халк депутатлари Тошкент шахар Кенгаши депутати Жасур Қулмуҳаммедов. — Президентимиз қатор фармонларида чет эл инвесторлари учун алоҳида имтиёзлар яратиб берган. Бугун шу асосда кўплаб қўшма корхоналар мамлакатимизда самарали фаолият кўрсатмоқда.

Аммо улар орасида айримлари тадбиркорлик никоби остида ғаразли мақсад билан юртимизга келгани кишини жиддий ташвишга солади ва хулоса чиқариб олишга ундайди. «Turkuaz» савдо мажмуаси рахбарлари эҳтимол хом хаёлларга бориб, ўз жиноятлари фош бўлмаслигига ишонишгандир. Аммо шаҳар бедарвоза эмас. Қонун эса ҳамма учун тенг. Ким бўлишидан қатъи назар, аввало, ўзи ишлаётган давлатнинг қонунларини ҳурмат қилиши зарур. Бўлмаса ҳар қандай ноқонуний қилмиши учун жавоб беради.

оо оеради. Асли КАМОЛ

Инсонийлик илми

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, тиббиёт фанлари доктори, профессор Тўхтасин СОЛИЕВ ҳақида



Биз ўзимиздаги барча яхши фазилатларни аввало отаонамиздан, савод чикарганимиздан сўнг эса китоблардан ва устозларимиздан оламиз. Нафакат илмни балки инсонийлик деб аталмиш эзгуликни хам улардан ўрганамиз. Мен эса одамларга янада эътиборлирок бўлишни, шифокорлик касбига садокат ва фидойиликни устозим Тўхтасин Солиевнинг ҳаёт китобидан ўқидим. Олим босиб ўтган умр йўлига назар ташлаб илмда ҳам, ишда ҳам сабот билан машаққатли йўлни, қийинчиликларни енгиб ўтишни англаб етдим.

Қадим Риштоннинг Чиннигарон махалласида туғилиб, ўсган Тўхтасин Солиев эллигинчи йилларнинг бошида хозирги Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультетини тамомлади. Уни тиришкоклиги, изланувчанлигини сезган устозлари шу ерда қолиб илмий тадқиқот олиб боришга ундадилар. Уларнинг бу таклифига ёш шифокор: «Мен врачлик фаолиятимни ўз

Тадбир

қишлоғимдан бошламоқчиман» деб жавоб берди.

Тўхтасин Солиев олий маълумотли шифокор дипломини олиб Риштонга келган кунларини яхши эслайди. У туман шифохонасидаги салкам 10 йиллик фаолияти давомида оддий шифокорликдан бошлаб бўлим мудири, бош врач лавозимларида ишлади. Бу орада бир неча хамюртлари ўрта ва олий маълумотли тиббиёт ходими мутахассислигини эгаллаб Риштонга кайтишди. Бундан рухланган Тўхтасин Солиев илмий изланишлар олиб бориш мақсадида ўзи таълим олган даргохга қайтди.

Бу ерда унга устози, академик Зулфия Умидова тиббиётдаги энг долзарб соха бўгим-бот-ревматоидли артрид касаллиги билан шуғулланишни маслахат берди. Ёш тадқиқотчи шу тариқа тиббиётнинг «ўзлаштирилмаган қўриқ ери» томон дадил қадам ташлади..

Аввал Москвада, медицина фанлари академияси кошидаги Ревмотология илмий текшириш институтида профессор М.Астапенко рахбарлигида таълим олди. Тошкентга қайтиб, шу хасталик билан огриган беморларни аниклаш мақсадида эски шахар махал-

лаларини кезиб чикди. Мустақил равишда беш мингга яқин ахолини тиббий кўрикдан ўтказиб, уларнинг хар юз нафаридан 5-6 тасида ревматоидли артрид касаллиги борлигини аниклади. Лаборатория хулосалари олим томонидан олиб борилган машаққатли изланишни тасдиқлади. Бунинг натижаси сифатида етмишинчи йилларда номзодлик диссертацияси химоя қилинди. Оғир хасталик билан огриган беморлар Тўхтасин Солиевнинг муолажаларидан сўнг шифо топа бошлади. Фанда янги йўналишга асос солинди

Тиниб тинчимас олимни яна бир касаллик туфайли азоб чекаётган беморлар ахволи қизиқтириб қолди. Бу халк тилида «бой касал» деб ном олган подагра эди. Бу борада нафақат ўзимизда балки қўшни Республикаларда хам тажриба йўк, изланишлар олиб борилмаганди. Олимнинг илмий иши фанда янгилик бўлиб, тиббиётдаги фундаментал тадқиқотлардан бири «Ўзбекистонда подагра» монографияси яратилди.

Устоз олим ўз махоратини ҳам назарий, ҳам амалий жихатдан такомиллаштириб боришни мақсад қилиб қўйган эди. Домла хозирги кунда хам мамлакатимиз тиббиётига малакали кадрлар тайёрлашда фаол иштирок этиб келмоқда. Бевосита унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда ревмотология мактаби яратилди. Ушбу йўналишда қилинган ишлар жахон ревмотология сохасининг йирик мутахассислари томонидан

алохида эътироф этилди. Утган йиллар давомида Тўхтасин Солиевнинг илмий маслахатчилиги ва рахбарлигида бир қатор докторлик, ўндан ортик номзодлик диссертациялари тайёрланди. Бундан ташқари, ўнлаб ишларга бевосита рахбарлик қилмаса-да, йўл йўриқ кўрсатди. Уларга мавзу танлашда домла шахсий тажрибалардан келиб чикиб, ревмотологиянинг умуман ўрганилмаган қирраларига эътибор қаратишни маслахат бе-

Олим рахбарлигида ревмотология хасталигини турли гиёхлар, Ўзбекистонда мавжуд бўлган табиий сувлар ёрдамида даволаш ишлари илмий асосланди. Домла ушбу ютуқларни жаҳон тиббиётига маълум қилиш мақсадида Польша, Австрия, Испания, Франция каби давлатларда ўтказилган ревмотологлар симпозиумлари, анжуманларида иштирок этди. Шунингдек, тиббиётнинг ушбу йўналиши бўйича жахонда тан олинган бир қатор илмий мактаблар билан алоқалар йўлга қўйилди.

Бугун устознинг юзлаб, минглаб шогирдлари, халқимиз саломатлигини саклаш килмокда.

> Хамза ХАМРОЕВ, тиббиёт фанлари номзоди



Баркамол

иктидорли ўғил-кизларни жалб этиш, уларга самарали билим беришга алохида эътибор қаратилмоқда, дейди билим маскани рахбари Шомил Адилов. - Айни чогда Плеханов номидаги Россия иктисодиёт академияси Тошкент филиали билан коллеж ўртасида илмий-амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Бу эса жамоамиз ўкитувчи-педагогларининг янада кўпрок изланишини, ўз махоратларини ошириб боришини тақозо этади. Бундан ташқари, коллежимиз Карши давлат университети, Тошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиали билан хам хамкорлик қилади. Шартнома бўйича бу олий ўкув юртларининг профессор-ўқитувчилари тез-тез билим даргохимизга ташриф буюриб, ўкувчиларимизга маърузалар ўқиб беришади. Аксарият ўкувчиларимиз амалиётларини мазкур олий ўқув юртларида ўташади. Бу

— Коллежимизга кўпрок

эса йигит-қизларимизнинг илм-фанга бўлган иштиёқини янада ошираётир. Хар йили ўнлаб битирувчиларимиз мамлакатимизнинг нуфузли олий ўкув юртлари талабалари бўлишмоқда.

Эътиборли жихати, коллежда ёшларнинг дарсдан бўш вактини мазмунли зишига алохида ахамият берилади. Билим даргохида шохмот тўгараги очилган бўлиб, уни иқтидорли шохмотчи Умида Чоршанбиева бошқараётир. Яқинда ўтган «Баркамол авлод-2011» спорт ўйинлари вилоят босқичида коллеж ўқувчиси Мухайё Нортожиева барча ракибларини енгиб, мусобаканинг республика боскичига йўлланма олди. Шунингдек, коллеж спорт зали ва майдончалари хам доимо ёшлар билан гавжум.

Коллежда бўлган киши барча эътибор ёш авлод билим ва тафаккури янада бойишига қаратилганини кўриб, хурсанд бўлади.

Эркин ХОЛБОБО

йўлида мехнат килишмокда. Бундан ташқари, у киши томонидан яратилган йирик моавлод орзуси нографиялар 200 яқин илмий тадқиқотлар тиббиёт фанининг ревматология йўналишини янада ривожлантиришга, бу борадаги муаммоларни ечимини топишга хизмат Бу ерда ёшларнинг замонавий касб-хунар эгаси бўлиб

улғайиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Тошкент шахар хокимлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги «Академик лицей ва касб-хунар коллежлари директорларини аттестациядан ўтказиш тўгрисида»ги Р-2146сонли фармойишига асосан Сергели тиббиёт коллежига вакант (бўш) бўлган директорлик лавозимига

Танлов эълон қилади:

Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида педагог хамда рахбарлик лавозимларида иш стажига эга бўлган, таянч олий маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўгри келадиган мутахассислар иштирок этишлари

мумкин. Танловда қатнашиш учун қуйидаги хужжатлар такдим этила-

1.Ўрта махсус, касб-хунар таълими худудий бошқармаси бошлиғи номига ариза. 2.Сўровнома (справка-объек-

3.Таржимаи хол.

4.Олий маълумот ҳақида дип-

ломнинг нусхаси. 5.Илмий даража ва илмий унвони (мавжуд бўлса) хақидаги хужжатларнинг нусхалари. 6.Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса).

7.3х4 ўлчамли 6 дона фото-

8.Паспорт (нусхаси). 9. Тавсифнома.

10.Мехнат дафтарчасидан

Хужжатларнинг асл нусхалари шахсан номзодлар томонидан кўрсатилади.

Хужжатлар эълон чиққандан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, А.Шерматов кўчаси, 252-уй. Тел: 293-91-13, 290-14-57, 293-91-12.

Божхона постларига замонавий сканер курилмалари такдим этилди

Узбекистон ва Япония давлатлари ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётгани савдо-иктисодий, илмийтехникавий, маданий-гуманитар сохалардаги дўстона муносабатлар, шунингдек, сармоявий йўналишларда қабул қилинаётган қарор ва лойихаларда ўзининг амалий ифодасини топмокда.

Президентимизнинг Ўзбекистон чегара божхона постларини сканер қурилмалари билан таъминлаш мақсадида Япония хукумати томонидан такдим этилаётган грантдан самарали фойдаланиш чораларини кўриш тўгрисидаги Қарори иккала мамлакат ўртасида олиб борилаётган кенг кўламдаги хамкорликнинг яна бир ёркин мисолидир.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш максадида Давлат божхона қўмитаси ва Япониянинг «Марубейни» компанияси ўртасида грант маблаглари хисобига сканер қурилмаларини сотиб олиш борасида шартномалар имзоланганди. Жорий йил бошида ушбу сканер қурилмалари республикамизнинг «Ойбек» ва «Айритом» божхона постларига етказиб берилди.

Шу муносабат билан куни кеча Давлат божхона қўмитасида ушбу сканер қурилмаларини кабул килиб олиш маросими бўлиб ўтди. Унда Япониянинг мамлакатимиздаги фавкулодда ва мухдор элчиси Ё.Курода хамда Япония халқаро хамкорлик агентлиги ва бошқа компаниялар вакиллари, Давлат божхона қўмитасининг масъул ходимлари, ОАВ вакиллари ишти-

Тадбирда Давлат божхона қўмитаси раиси Зохид Дусанов сўзга чиқиб, божхона фаолиятининг асосий йўналишларидан бири хисобланган контрабандага қарши курашиш сохасида

янги замонавий технологиялардан фойдаланмасдан туриб, ижобий натижаларга эришиш мушкуллигини таъкидлаб ўтди. Бугун, деди у — кучли таъсир қилувчи заҳарли ва захарловчи, радиоактив. портловчи моддалар, қурол-яроғ, ўқ-дори ва портловчи қурилмаларни фош этишда замонавий рентген аппаратлари ва радиацион назорат килиш воситалари, мураккаб кўрикдан ўтказиш оптикаларидан фойдаланиш кенг йўлга қўйилмокда. Бу борада республикамизда хам кўплаб ишлар амалга оширилаётгани нафакат мамлакатимиз балки, минтақада хам хавфсизликни таъминлашда мухим ахамият касб этмокда.

Шунингдек, Япония вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни, хусусан, мамлакат тараққиёти, унинг иқтисодий хавфсизлиги учун хизмат қиладиган замонавий ахборот технологияларни божхона сохасига кенг жорий қилиниб келинаётганини юксак бахолашди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ



Наврўз нафаси

Бахорнинг илк кунларидан Бухорода мевали ва манзарали кўчат ўтқазиш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари кенг тус олди. Хар бир бухоролик мустақилликнинг 20 йиллигига 20 тадан кўчат ўтқазишга ахд қилган. Шунингдек, шахарда дарахтларни оқлаш, бутлаш, уй ва бинолар, маданий-маиший объектлар атрофини озода ва саришта қилиш ишларида ҳам барча фаол иштирок этмоқда.

Лазиза ШЕРОВА



халкимизни Навруз айёми билан муборакбод этади.

Бугун табиатнинг янгиланиши баробарида хар биримизнинг калбимизда янги орзулар жўш урмокда. Ушбу гўзал дамлардаги хуш кайфият йил бўйи кўнглингизни тарк этмасин. Юртимиз ободлиги ва хаётимиз фаровонлиги йўлида амалга ошираётган ишларингизда улкан муваффакиятлар тилаймиз!

Байрам арафасида банк бошқармаси Сизга янги омонат турларини таклиф этади: Жисмоний шахслар учун «Истиклол — 2011» муддатли омонат тури. Маблаглар, 3,6,9 ва 12 ойга қабул қилинади. Омонатга йиллик 30 фоиз микдорида даромад тўланади.

Юридик шахслар учун номинал қиймати 1 00 000 сум булган депозит сертификатлари. Депозит сертификатлар бўйича фоиз ставкаси 18 ой муддатга йиллик 7%, 24 ой муддатга йиллик 8% ва 36 ой муддатга йиллик 10 % микдорида даромад тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28-июлдаги ПК-1166-сонли қарорига асосан тижорат банкларининг қимматли қоғозларига 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштиришдан олинадиган фоизли даромадлари бўйича юридик шахслар 5 йил муддатга солиқ тўлашдан озод этилади.

Сиз ушбу депозит сертификатларини Агробанкнинг исталган филиалидан сотиб олишингиз мумкин. Агробанк — юрт ободлиги ва яратувчанлик гояларининг молиявий таянчи! JZTELECON

«Degenerom» andretolini KOMBOGRACH TREBURGE

WTOUKEHT TEJIEKOMW OMMODIN IKOMOOCH

- «058» алоқа хизмати ўз балансингизни аниқлаш
- Қисқа рақам териш
- Ракам термасдан богланиш
- Кирувчи алоқани вақтинчалик тақиқлаш
- Кириш қўнгироқларини бошқа рақамга йўналтириш
- Кирувчи ва чикувчи алокани вактинчалик такиклаш
- Янги чакирув тушганлиги хакида хабар бериш (чакирувни кутиш)
- Буюртма бўйича мижозни чакириш (кўнгирок, эслатма)
- Кириш қўнгироқларини автоинформатор ёки
- буйруклар бюросига ўтказиш
- Рақам термасдан қайта қўнгироқ қилиш
- Абонентнинг мурожаатига биноан чакирилаётган мижоз
- телефон ракамини аниклаш
- Конференц алока
- Чақирилаётган абонент банд булганда, кириш
- қўнгирокларини котиба ёки бошқа рақамга йўналтириш
- Сўзлашув вактида маълумотларни тўплаш 🥨
- Парол оркали шахарлараро ва халкаро телефон
- алоқасидан фойдаланиш
- Банд абонентни чакириш (авточакирув) ва бошкалар



Ташкилотлар ва корхоналар рахбарлари диққатиға!

Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация тизимлари бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси

куйидаги объектлар бўйича пудратчи ташкилотларни танлаш юзасидан очик танлов савдолари ўтказилишини ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Лот 3-1. Сурхондарё вилояти, Термиз туманидаги узунлиги 24,991 км бўлган «ГВК» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Объектнинг бошлангич нархи: қўшилган қиймат солигисиз — 147073,480 минг сўм, ишларни бажариш муддати — 180 кун.

Лот 3-2. Сурхондарё вилояти, Олтинсой туманидаги узунлиги 48,74 км бўлган «Қоратепа» коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

Объектнинг бошлангич нархи: қўшилган қиймат солигисиз — 240236,398 минг сўм, ишларни бажариш муддати — 180 кун.

Лот 3-3. Сурхондарё вилояти, Шўрчи туманидаги узунлиги 21,262 км бўлган «Шолдироқ» коллекторини

тизимли таъмирлаш ва тиклаш. **Объектнинг бошлангич нархи:** қўшилган қиймат солигисиз 70003,170 минг сўм, ишларни бажариш муддати — 90 кун.

Лот 3-4. Сурхондарё вилояти, Денов туманидаги узунлиги 84,374 км бўлган «Кизилсув» коллекторини

тизимли таъмирлаш ва тиклаш. Объектнинг бошлангич нархи: қўшилган қиймат солигисиз — 304708,779 минг сўм, ишларни бажариш муддати — 240 кун. Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Аму-Сурхон ирригация

тизимлари хавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-ме-

лиоратив экспедицияси. Манзили: Термиз шахри, М.Қаххор кўчаси, 10-уй,

Тел/факс: (8-376) 222-86-38, 223-65-51, 223-67-00. Таъмирлаш ва тиклаш иш-

ларини молиялаштириш — Молия вазирлиги хузуридаги Сугориладиган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш жамғармаси маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар күйидаги шартларга мос келишлари керак: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдоридаги айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблагни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фукаролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва тан-

лов хужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг курилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти худудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шахри, Амир Темур кўчаси, 69уй, телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов хужжатларининг нархи — 70 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига такдим этишнинг охирги муддати оферталар очилиши куни ва

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда:

Термиз шахри, Амир Темур кўчаси, 69-уйда ўтказилади.

WILL STACAHOATS



уюшмаси жамоаси

барча ватандошларимизни янгиланиш, яшариш, гўзаллик, нафосат байрами —



билан муборакбод этади.



Фермерларимиз, бободехконларимиз дала ишларини аллакачон бошлаб юборишди. Уларнинг дехкончилигига барака тилаймиз

MAMARATUMUS MYCTARUAAUTU ABAAUU BYACUHI





«MATJIYBOT-IIIIBECT»

HABITAT YITTAD KODXOHACII KAMOACII

жалқимизни — НАВРУЗИ ОЛАМ билан муборакбод этади.

Жонажон юртимизда хамиша тинчлик, фаровонлик бўлсин. Халқимизнинг байрамлари, тўйлари, яхши кунлари кўпаяверсин!

Kap Gup Kohaan Kut-Gapaka apumaenn



«MY50PAK HEDTS=TAB»

унитар шўъба корхонаси жамоаси

озолий во оболий бойромимиз —

Habpisu ozazu buzan

COIPYO COPTIOUUNOIPKKKSHK тобриклойди.

LOPTHIMMSIO THHUMK-TOTYBINK монгу булсин.

Man Gown TŸKKH-GOGKGINKK кул-барака олиб келсин!





унитар корхонаси жамоаси

АЗИЗ ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ ЯШАРИШ ВА ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИ

HABPYS BAMPAMIN

БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.

Юртимизда тинчлик-осойишталик, хонадонларимизда файзу барака, дастурхонимизда тўкин-сочинлик, кўнгилларимизда шодлик ва шукроналик бардавом бўлеин.

Happyeuure mygopak General strains

2011-yil, 15-mart. Seshanba

Армия спорти

Анвар Кўчмуродов:

«Харбий хизмат ва спорт бир-бирига чамбарчас боғлиқ»

Енгил атлетика мухлислари мохир спринтеримиз Анвар Кўчмуродовнинг жахон майдонларидаги югуриш йўлкаларини шамолдай босиб ўтиб, ғалаба қозонганини яхши эслашади. У мамлакат чемпионати ва кубокларида голиб чикди, Европа чемпионатида бронза (1989), Осиё чемпионатида кумуш (1995) медаллари билан такдирланди, жахон чемпионатлари, Атланта ва Сидней олимпиадаларида қатнашди. Унинг 60 м (6,68 сек, 1992) ва 100 м (9,9 сек, 1994) масофаларда ўрнатган Ўзбекистон рекордлари хамон янгиланмаган.



Якинда Ватан химоячилари куни арафасида Президентимиз Фармонига кўра Анвар Кўчмуродов «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Хозирги кунда катта сержант. халқаро миқёсдаги спорт устаси Анвар Кўчмуродов Ўзбекистон Мудофаа вазирлигининг МХСК енгил атлетика жамоаси бошлиғи ўринбосари лавозимида хизмат қилаяпти.

– Анвар, сизни Ватанимизнинг юксак мукофоти билан табриклаймиз. Билишимизча, 2010 йил якунига кўра МХСКнинг 17 бўлими орасида енгил атлетика бўлими энг яхши бўлим деб эътироф этилибди. Бу муваффакиятларга қандай эришилди?

— Ўтган йил бизнинг енгил атлетикачиларимиз учун муваф-

факиятли келди. Сентябрь ойида Хорватияда ўтказилган жахон кубогида оддий аскар, халқаро миқёсдаги спорт устаси Юлия Тарасова узунликка сакрашда олтин, кичик сержант Надия Дўсанова баландликка сакрашда бронза медалларини қўлга киритди. Улар шундай жисмоний тайёргарликни ёзги Осиё ўйинларига сақлаб қолишди ва мусобақаларда юксак натижаларни кўрсатишди. Юлия Тарасова иккита медални қўлга киритди — етти курашда олтин ва узунликка сакрашда брон-

за. Надия Дўсанова эса баланд-

ликка сакрашда кумуш медаль

билан тақдирланди. Бундан ташқари, ушбу мусобақада армия спортчиларидан Леонид Андреев лангарчўпда сакрашда иккинчи, Леонид Котляров уч хатлаб сакрашда тўртинчи, Анастасия Журавлева шу турда олтинчи, Рифат Ортиков ўн курашда олтинчи ўринни эгаллади.

— Спорт кишининг феълатвори шаклланишида, мухим ахамиятга эга. Сизнингча, харбий хизмат армия спортчилари шаклланишида қандай ўрин тутади?

— Юртимизда Ватан химоячиларини спортга кўпрок жалб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Барча харбий ўкув юртлари, сержантлар тайёрлаш мактаби, харбий кисм ва булинмалар замонавий спорт жихозлари, тренажёрлар билан таъминланди. Чунки жисмонан чиникмасдан яхши аскар бўлиш қийин. Харбий хизмат ёшларнинг иродасини тоблайди, ватанпарварлик рухида тарбиялайди, маънавий дунёсини бойитади. Айтмокчиманки, харбий хизмат ва спорт бир-бирига чамбарчас боглик.

Менимча хар бир ёш армия мактабидан ўтиши керак. Шунинг учун ҳам биз ёшларимизни жисмоний жихатдан бақувват, иродаси мустахкам, мард ва ватанпарвар қилиб тарбия-

Бу фазилатларга, аввало, оилада, мактабда, ўкув юртларида пойдевор қўйила-

— Тўгри. Шунинг учун юртимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга, соғлом авлодни тарбиялашга катта эътибор бериляпти. Айниқса, бу борада болалар спортини ривожлантириш жамғармаси амалга ошираётган бунёдкорлик ишларини, хайрли тадбир, уюштираётган мусобақаларини алохида таъкидлашни истардим.

Президентимиз ташаббуси билан ўтказиб келинаётган уч боскичли спорт мусобакалари — «Умид нихоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт ўйинлари ўқувчи-ёшлар ўртасида спортнинг янада оммалашишига, уларнинг спорт махорати ошишига ёрдам бераяпти. Мухими, бу мусобакалар ёш авлоднинг иродасини чиниқтириши билан бирга уларда Ватан туйгусини чукуррок англашга, юрт шаънини химоя қилишдай шарафли вазифани зиммасига олиш рухида тарбиялаяпти

 Мураббийлик фаолиятингиз хакида гапириб бер-

- Мен МХСК енгил атлетикачиларининг 16-18 ёш гурухини шуғуллантираман. Улар 100, 200 ва 400 метр масофаларга югурувчилар. Биринчи навбатдаги вазифам уларни жисмонан бақувват, соғлом қилиб тарбиялаш. Бу борада спорт гўзал ва ишончли тарбия воситасидир. Спорт одамни чиниктиради, чидамли, иродали қилади, куч бағишлайди. Биринчи мураббийим Владимир Некрасовский бу сифатларни қалбимда уйғотган бўлса, кейинги устозим Валерий Калашнов бу туйгулар мустахкам илдиз отишига замин яратди. Энди ўзим бу сифатларни шогирдларим қалбига сингдиришга харакат қилаяпман ва бу ўз самарасини бераяпти. Шогирдим Аббос Тошматов ўспиринлар ўртасида 400 метр масофада Ўзбекистон чемпиони

бўлди, Марказий Осиё биринчилигида кумуш медални қўлга киритди. Бахром Холхўжаев 200 метр масофада Ўзбекистон кубогида голиб чикди, Мустафо Рахмонов 100 метрга югуришда Ўзбекистон биринчилиги совриндори, Диана Дмитриади (у Людмила Дмитриадининг қизи) республика универсиадасининг 200 ва 400 метр масофаларга югуриш мусобақасида совриндорлар қаторига кирди, қизим Севара Кўчмуродова Ўзбекистон биринчилигининг 100 метрга югуриш мусобақасида совринли ўринни эгаллади. Яна шогирдларим эстафета мусобақасида Ўзбекистон чемпиони хисобланишади.

Демак, қизингиз сизнинг масофангизда югуряпти...

— Ҳа, у 16 ёшда. Катта қизиқиш билан югуриш мусобақаларида қатнашяпти, шуғулланяпти. Ўглим Оскар 8 ёшда, хозирча у акробатика машгулотларида қатнашяпти. Умр йўлдошим Дилором уй бекаси, спортга алоқадор эмас. Лекин болаларимизнинг спорт билан шуғулланаётганидан хурсанд. Хаётингиздаги энг уну-

тилмас кунлар... Албатта, улар фарзандла-

рим туғилган кунлар.

– Спортда-чи? — Спортда унутилмас кунлар кўп бўлган. Хар бир халқаро му-

собақа, Осиё ва жахон чемпионатлари, олимпиадада югуриш йўлкасига чиққан кунларим спорт фаолиятимдаги энг унутилмас дамлар хисобланади.

Хаёт йўлида қайси ҳикматга амал қиласиз?

Одамларга, жамиятга ёрдамим тегсин, кўпрок яхшилик килай.

Татьяна КИСТАНОВА



Бадиий гимнастикачимизнинг навбатдаги ютуги

Холон (Исроил) шахрида бадиий гимнастика бўйича Гран-при туркумидаги йирик халкаро турнир бўлиб ўтди. Унда махоратли спортчимиз Ульяна Трофимова юртимиз шарафини муносиб химоя қилди.

Мусобақанинг тасмада машқ бажариш бахсларида Ульяна шохсупанинг фахрли учинчи погонасидан жой

Эслатиб ўтамиз, Ульяна йил бошидан бери Самара, Москва каби шахарларда ўтказилган халқаро турнирларда хам голиб ва совриндорлар қаторидан ўрин эгал-

«Бухоро»нинг шашти баланд

Бу йил футбол бўйича Ўзбекистон ХХ миллий чемпионати бахслари муросасиз ўтиши кутилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, амалдаги мавсумда чемпионлик учун курашадиган жамоалар сони ҳам ҳар қачонгидан-да кўпайиши тахмин

Биринчи турда «Бухоро» футболчилари «Шўртан» жамоасини 2:1 хисобида маглубиятга учратганида кўпчилик буни тасодифга йўйганди. Бухороликлар навбатдаги учрашувда Самаркандда «Динамо» вакиллари мехмони бўлишди. Сафарда тўп суришларига қарамай, майдонда ишончли ўйин намойиш қилган «Бухоро» аъзолари Сухроб Неъматов томонидан киритилган ягона гол эвазига уйга уч очко билан қайтдилар.

Қолган учта учрашувда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Бунёдкор» — «Навбахор» — 1:0, «Андижон» — «Сўғдиёна» — 2:1, «Нефтчи» — «Металлург» — 3:1.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети жамоаси филология фанлари доктори, профессор Рахмонкул ОРЗИБЕКОВнинг

вафоти муносабати билан мархумнинг оила аъзолари ва якин-

ларига таъзия изхор килади.

Хоразм вилояти



«YUGGAZSTROY»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

юртдошларимизни — Наврўз айёми билан табриклайди. Ушбу қутлуғ байрамда мехр-оқибат, эзгу ва савоб ишларимиз, бароридан келсин.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини бунёд этиш йўлидаги, саъй-харакатларингизда омад ёр бўлсин!





Наврўз муборак, азизлар!











Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin
MUHIDDINOV
) Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
) Saidahmad RAHIMOV

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
koʻchasi, 32-uy.

Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

Gaze
2007

BO`LIMLAR:

ljtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;

Reklama va e`lonlar - 233-38-55, 233-47-80;

Gazeta Oʻzbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda roʻyxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Partiya hayoti - 233-10-13; Madaniyat va sport - 233-69-45;

lamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot — 233-12-56;

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«Oʻzbekiston ovozi» materiallarini koʻchirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Γ – 349

t – Tijorat materiallari

T - 349

21781
nusxada
bosildi.

t - Tijorat materiallari

OʻzA yakuni - 21.55

Topshirilgan vaqti - 01.35

markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG`ATOV,

Navbatchi:

Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston

ovozi»ning kompyuter

Zafar BAKIROV
ISSN 2010-7633

ISSN 2010-7633